# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**№11 (664)** 2023 йил 17 февраль, жума

uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ЯЙЛОВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Бу ҳақда шу йил 23 январь куни қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда кўрсатма берилган эди.

Юртимизда 21 миллион гектардан зиёд яйловлар мавжуд бўлиб, улар чорвачилик, ипакчилик, асаларичилик каби кўплаб тармоқлар учун муҳим манба. Лекин улардан фойдаланишга оид ҳозирги тартиб яйловларда тадбиркорликни ривожлантириш ва маҳсулот етиштиришни чекламоқда.

Шу боис, янги таҳрирда “Яйловлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ҳамда яйлов майдонларини ижарага бериш тартибини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Бу кўплаб иқтисодий лойиҳаларга йўл очади. Хусусан, Испания ва Португалиянинг етакчи компаниялари иштирокида халқаро молия институтларидан жалб қилинган 7 миллион 800 минг доллар миқдоридаги грант маблағлари эвазига 4 та лойиҳа шакллантирилган. Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, Чорва ҳайвонлари генетик тадқиқоти лабораторияси ташкил этиш, майда шохли молларни рақамли идентификация қилиш шулар жумласидандир. Шунингдек, халқаро молия институтларининг грантлари ҳисобидан 500 гектар яйловда қуёшдан муқобил энергия олиш орқали қудуқлардан сув чиқариш ҳамда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш режалаштирилган.

Маълумки, яйлов ерларда каврак яхши ўсади, у Қизил китобга ҳам киритилган. Лекин кўп жойларда унинг табиий кўпайиши ва қайта тикланишига зарар етказилмоқда. 2019 йилда табиий каврак майдонлари 33 минг гектар бўлган бўлса, 2021 йилга келиб қарийб ярмига камайган.

Шу боис кавракнинг ҳар бир тупига етказилган зарар учун жарима миқдорини ошириш, қизил китобга киритилган тожик каврагидан фойдаланишга 3 йил муддатга мораторий жорий қилиш таклиф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу режаларни маъқуллаб, ижросини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# 2023 ЙИЛДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини ошириш орқали республика ҳудудларида энергия тақчиллиги қопланишини таъминлаш, бу борадаги ишларни комплекс ташкил этиш ҳамда инвесторлар учун қулай шароитлар ва рағбатлантириш механизмларини жорий қилиш мақсадида:

**1.** Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг 2023 йил учун қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари қўллаб-қувватлансин:

умумий қуввати **4 300 МВт** бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини, шу жумладан, **2 100 МВт** – йирик қуёш ва шамол электр станциялари, **1 200 МВт** – ижтимоий соҳа объектлари, хўжалик субъектларининг бино ва иншоотлари ҳамда хонадонларда ўрнатиладиган қуёш панеллари, **550 МВт** – тадбиркорлар томонидан барпо этиладиган кичик фотоэлектр станцияларини ишга тушириш;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш, истеъмолчиларни муқобил энергияга ўтказиш ва энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш орқали 2023 йилда қўшимча **5 миллиард киловатт-соат** электр энергияси ишлаб чиқариш ва **4,8 миллиард метр куб** табиий газни иқтисод қилиш;

ушбу мақсадларга жами **15,4 миллиард АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларни йўналтириш, шу жумладан, **13,4 миллиард АҚШ доллари** – давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида инвесторлар маблағлари, **1,1 миллиард АҚШ доллари** – тижорат банклари кредитлари, **610 миллион АҚШ доллари** – корхоналарнинг ўз маблағлари, **150 миллион АҚШ доллари** – хорижий молиявий ташкилотлар маблағлари ва **100 миллион АҚШ доллари** эквивалентидаги Давлат бюджети маблағлари.

**2. Давлат-хусусий шериклик асосида 2023 йилда 27 та йирик қувватли қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш лойиҳаларининг манзилли рўйхати 1-иловага** ҳамда **йирик қувватли қуёш ва шамол электр станцияларини электр узатиш тармоқларига улаш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати 1а-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик **энергетика вазири Ж. Т. Мирзамаҳмудов, инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л. Ш. Кудратов** ҳамда **Стратегик ислоҳотлар агентлиги бош директори Ш. А. Вафаев** зиммасига юклатилсин.

**3.** Стратегик ислоҳотлар агентлиги (Ш. Вафаев) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов) билан биргаликда **қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва электр энергияси тармоқларини модернизация қилиш бўйича лойиҳалар** учун 2023 йил 1 июлга қадар халқаро молиявий ташкилотлардан **қўшимча 2 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги** маблағларни жалб қилиш бўйича **келишувлар имзоланишини таъминласин.**

**4.** Энергетика вазирлигига 2023 йил 1 сентябрга қадар йирик қувватли қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар доирасида бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан халқаро ва маҳаллий **лойиҳа-қидирув институтлари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузган ҳолда** қурилиш майдонларида **ўрганишлар ўтказишга рухсат берилсин.**

**5. 2023 йилда 20 мингта ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш режаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур режанинг бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик **энергетика вазири Ж. Т. Мирзамаҳмудов** ва **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари** зиммасига юклатилсин.

**6.** Энергетика вазирлиги ҳамда тижорат банкларининг ижтимоий соҳа объектлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бино ва иншоотларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш бўйича масъулияти чекланган жамият шаклидаги **“Яшил энергия” компаниясини** (кейинги ўринларда – **Компания**) **ташкил этиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

Компания ўз ҳисобидан давлат органлари ва ташкилотлари бино-иншоотларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатганда, ушбу бино-иншоотларнинг тегишли қисмларидан **ижара ҳуқуқи асосида бепул фойдаланади.** Бунда, ижара шартномалари белгиланган тартибда солиқ органларида рўйхатдан ўтказилади;

Компанияга маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилардан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ва уларнинг эҳтиёт қисмларини харид қилиш, ўрнатиш ва уларга сервис хизматларини кўрсатиш учун **энг яхши таклифларни танлаб олиш натижаларига кўра тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилади.**

▶ **2**-бет

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 февраль куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Тожикистон етакчисига мамлакатнинг жануби-шарқида қор кўчиши оқибатида инсонлар қурбон бўлгани ва жиддий талафотлар кўрилгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Икки томонлама ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражада, энг аввало савдо, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт ва бошқа йўналишларда эришилган келишувларни амалга ошириш чоралари муҳокама қилинди.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларига қарши курашиш борасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Бўлажак тадбирлар, шу жумладан, кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги мулоқотлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

## ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

# Пойтахт туманлари ўрганилди




**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева бир неча мурожаатлар юзасидан пойтахтимизнинг Учтепа тумани Нуробод маҳалласида бўлди. Ҳудуддаги 3, 5, 1-“а”, 11, 13, 14-уйлар 2022 йил июнь ойида аҳоли розилиги билан “ADEAS group” БСК бошқарувига ўтказилган. Мазкур уйларга илгари хизмат кўрсатган ширкат раислари эса бундан норози ва БСК фаолиятига турлича тўсқинликлар кўрсатиб келмоқда.**

Шунингдек, фуқаро Ринат Сабитовнинг ижтимоий тармоқлар орқали келиб тушган мурожаати айни шу ширкат фаолиятидан норозилик бўйича бўлгани инобатга олиниб, у истиқомат қилувчи 15-уйнинг кириш йўлаги кўздан кечирилди. Ҳолат ҳақиқатан жуда ачинарли. Муҳокамалар давомида бошқарув компанияси ҳамда ширкат фаолияти қатъий назоратга олиниши таъкидланди. Хусусан, аҳолининг мажбурий бадал ҳамда кредит маблағлари қайси ишларга сарфлангани, мулкдорлар норозилигига сабаб бўлаётган омиллар ўрганилиши айтилди.

Вазирлик мутасаддилари яна бир мурожаат юзасидан Мирзо Улуғбек тумани Навниҳол маҳалласидаги 25-сонли кўп қаватли уйда бўлишди. Мазкур уйга 2022 йилнинг ноябрига қадар “Тезкор файз коммунал сервис” ширкати томонидан хизмат кўрсатилган. Аммо ширкат фаолияти қониқарсиз ва аҳоли норозилиги боис “Титан сервис” БСК бошқарувига ўтказилган.

Аҳоли вакилларининг таъкидлашича, “Тезкор файз коммунал сервис” ширкатининг қатор молиявий қоидабузарликлари мавжуд. Шунингдек, уй ертўласи собиқ ширкат раиси томонидан ноқонуний эгаллаб олинган ҳамда ўзи учун истиқомат қилиш маконига айлантирилган. Ушбу уйга 4 ойдан буён “Титан сервис” БСК хизмат қилиб келишига қарамай, собиқ ширкат раиси аҳолидан ноқонуний равишда пул йиғиб юргани маълум бўлди.

Ҳудуддаги бундай тартибсизликлар “Титан сервис” БСК фаолиятига ҳам таъсир ўтказмай қолмаяпти. Аҳоли муаммолари ҳали ҳам тўлиқ бартараф этилмаган. Ўрганиш жараёнида мазкур ҳолат юзасидан тезкор текширув олиб бориш, ноқонуний фаолиятга йўл қўйганларга тегишли чора кўриш лозимлиги таъкидлади. Ширкат фаолиятини тўлиқ ўрганиш бўйича Уй-жой фонди инспекцияси масъулларига тегишли топшириқлар берилди.

Навбатдаги ўрганиш ишлари Олмазор тумани Қорақамиш ½-мавзеси “Исломота” МФЙ 28-уйда бўлиб ўтди. Ушбу уй икки ой олдин “Олмазор таъмир” БСК бошқарувига ўтказилган. Унга қадар “Улкан” ширкати томонидан хизмат кўрсатилган. Аниқланишича, ширкат фаолияти давомида уйда етарлича муаммолар йиғилиб қолган. Мазкур уйда истиқомат қилувчи Обида Рафиқованинг мурожаатига асосан, кўп қаватли уйнинг ертўла қисмлари кўздан кечирилди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича БСК масъулларига зарур топшириқлар берилди.

Аҳоли мурожаатларига асосан пойтахтимизнинг Сергели туманида ҳам шу каби ўрганиш ишлари олиб борилди. Мамлакатимизда кузатилган совуқ об-ҳаво шароитида кўп қаватли уйларнинг том қисмидаги юмшоқ қоплама (фолгоизол)ларнинг музлаб, зарарланиши оқибатида хонадонларга сув ўтаётгани бўйича юртдошларимиздан қатор мурожаатлар келиб тушмоқда. Ана шундай мурожаатларга асосан, Сергели тумани 6-мавзе 5-сон уйнинг том қисми кўздан кечирилди. Мавжуд муаммоларни, айниқса, авариявий ҳолатларни тезкор бартараф этиш бўйича масъулларга зарур топшириқлар берилди. БСК фаолиятини ўрганиш жараёнида хизмат сифатини янада яхшилаш, аҳоли мурожаатлари билан тизимли ишлаш бўйича зарур топшириқ ва вазифалар ҳам белгиланди.

Шунингдек, Юнусобод туманининг 16-мавзесидаги 6-сон кўп қаватли уй кириш йўлакларида амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари билан ҳам танишилди. Унда алоҳида эътибор бериш лозим бўлган жиҳатлар, хусусан, энерготежамкор технологияларни татбиқ этиш орқали самарадорликка эришиш масалалари муҳокама қилинди.

Юнусобод туманидаги 38 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи “Маржона сервис” БСКнинг кўп қаватли уйлар атрофини ободонлаштириш ишларига бўлган эътиборсизлиги вазир ўринбосари томонидан танқид қилинди ва кўп қаватли уйлар атрофида тозаликка эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Бошқарув ташкилотида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ муддат белгилаб берилиб, жараён шахсан вазир ўринбосари назоратида бўлиши айтиб ўтилди.

## ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари ўзаро савдони кўпайтириш, етакчи корхоналарнинг саноат кооперациясини чуқурлаштириш, қўшма Лойиҳалар офиси доирасида устувор тармоқлардаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Шу маънода, “Иннопром. Марказий Осиё” халқаро кўргазмаси ва Ўзбекистон – Россия ҳудудлар форумини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Икки давлат етакчилари маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашиб, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

**ЎзА.**


**“O‘ZBEKISTON BUNYODKORI” газетасининг расмий сайти – uzbunyodkor.uz ишга тушганини маълум қиламиз. Сайтга хабарлар, ишлаб чиқараётган маҳсулот ва хизматларингиз ҳақида маълумотларни жойлаштиришингиз мумкин. ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ!**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№11 (664) 2023 йил 17 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# 2023 ЙИЛДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ 1-бет

**7. Вазирлар Маҳкамаси** (А. Арипов) **уч кун** муддатда мазкур қарорга 2-иловадаги режа бажарилишининг ойма-ой графигини тасдиқласин ва унинг ижроси юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борсин.

Вазирликлар, давлат идоралари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари ўзларининг тузилмаларидаги идора ва ташкилотларнинг биноларида қуёш панелларининг ўрнатилишига **шахсан жавоб бериши тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин**.

**8.** Савдо-саноат палатаси ва тижорат банкларининг **3-иловага** мувофиқ 2023 йилда жами 11 минг нафар **тадбиркорнинг бино ва иншоотларида қуёш панеллари ўрнатиш ҳамда кичик фотоэлектр станцияларини барпо этиш режаси қўллаб-қувватлансин**.

Мазкур режалар тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик **Марказий банк раисининг ўринбосари А. А. Турдалиев** ва **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг инвестициялар масалалари бўйича ўринбосарлари** зиммасига юклатилсин.

**9. Белгилансинки:**

**2023 йил 1 апрелдан бошлаб** умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар ушбу қурилмалар бўйича **мол-мулк солиғи**, қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича **ер солиғи** ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган **фойда солиғини** тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан **уч йил муддатга**, ўрнатилаётган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга **электр энергиясини сақлаш тизими** билан ўрнатилган бўлса – **ўн йил муддатга озод этилади**;

**2023 йил 1 мартдан бошлаб** ягона электр энергетика тизимига уланиш учун берилган техник шартларда кўрсатилган қувватдан юқори бўлмаган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини электр тармоқларига улашда қўшимча **техник шарт олиш талаб этилмайди**.

**10.** Белгилансинки, тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, хорижий инвесторларга:

қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергиясини давлат органига ва (ёки) ҳудудий электр тармоқларига ўрнатилган тарифларда, бошқа истеъмолчиларга ўзаро келишилган нархларда **тўғридан-тўғри тузилган, шу жумладан, узоқ муддатли шартномалар асосида сотишга;**

**бошқа шахсларга тегишли объектларда** ижара ҳуқуқи асосида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиб, ушбу қурилмаларда ишлаб чиқарилган **электр энергиясини сотишга рухсат берилади**.

**11.** Шундай тартиб ўрнатилсинки:

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган тадбиркорлик субъектлари томонидан **ой давомида** ягона электр энергетика тизимига узатилган ва истеъмол қилинган электр энергияси ҳажмининг ҳисоби "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ биллинг тизимида юритилиб, **ой якуни билан** тармоққа узатилган ва истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ўртасидаги тафовутга асосан **ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.** Бунда, "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ томонидан **электр энергиясини сақлаб бериш хизмати учун ҳақ олинмайди**;

қуввати 300 кВт ва ундан юқори бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергияси ушбу манбалар Энергетика вазирлигида **рўйхатдан ўтказилганидан** кейингина амалга оширилади.

**12.** Марказий банк ва тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини сотиб олиш ва ўрнатиш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини молиялаштириш учун 2023 йил 1 мартдан бошлаб **"яшил энергия" банк молия продуктини амалга киритиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.**

**13.** Энергетика вазирлиги **икки ҳафта муддатда:**

фотоэлектр станцияларини, шу жумладан, кичик қувватли қурилмаларни ўрнатиш учун **қулай бўлган истиқболли майдонлар рўйхатини эълон қилсин;**

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда қизиқиш билдирган тадбиркорларга **электр энергиясини сотиш бўйича намунавий шартнома ва техник талаблар етказилишини таъминласин.**

**14.** Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Саидов, Ф. Арзиев) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов) ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда **бир ой муддатда** Хитой компанияларини жалб қилган ҳолда республика ҳудудларида қуёш панелларини етказиб бериш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича аниқ лойиҳалар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

**15.** 2023 йил 1 апрелдан бошлаб республика ҳудудларида **аҳоли хонадонларига** кичик қувватли (умумий қуввати **50 кВт** гача) қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш бўйича **"Қуёшли хонадон" дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) амалга оширилсин.

**2023 йилда 37 минг аҳоли хонадонларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш режаси 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**Дастур доирасида:**

а) жисмоний шахсларга тегишли объектларда ўрнатилган қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан орттириб ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига **Давлат бюджетидан 1 000 сўмдан субсидия ажратилади** (кейинги ўринларда – субсидия).

Бунда:

субсидия ҳар ой якуни билан жисмоний шахслар томонидан ягона электр энергетика тизимига узатилган энергия ҳажми ва тизимдан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ўртасидаги **ижобий тафовут миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади;**

субсидия тўловлари жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибига киритилмайди;

субсидия солиқ органлари томонидан ҳар ойда "Soliq" мобил иловаси орқали **ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-санасига қадар фуқароларнинг банк пластик карталарига ўтказиб берилади;**

б) жисмоний шахслар томонидан ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергияси ҳажми:

ой давомида ягона электр энергетика тизимидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажмидан кўп бўлган тақдирда, шу ой учун электр энергияси бўйича "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖга тўлов қилинмайди;

ой давомида ягона электр энергетика тизимидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажмидан кам бўлган тақдирда, шу ой учун электр энергияси бўйича тўловлар истеъмол қилинган ва узатилган электр энергияси фарқидан келиб чиқиб ҳисобланади;

в) "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ томонидан текинга олинган электр энергияси даромад сифатида ҳисобга олинмайди.

**16.** Белгилансинки:

Дастур доирасида субсидияларни ажратиш ва ҳисоб-китоб қилиш тизимининг тўлақонли ишлаши Марказий банк (М. Нурмуратов), Солиқ қўмитаси ва "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ (У. Мустафоев) томонидан таъминланади;

Дастурни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси **республика бюджети даромадлари бўйича прогнознинг ошириб бажарилган қисми** ҳамда 2023 йил I чорак якунлари бўйича **Давлат бюджети харажатларини мақбуллаштириш ҳисобидан молиялаштирилади;**

Дастурнинг бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари** зиммасига юклатилади;

Дастурнинг узлуксиз ва шаффоф ишлашини назорат қилиш Бош прокурор ўринбосари Ш.Аминов зиммасига юклатилади.

**17. 2023 йилда фойдаланишга топшириладиган 765 та кўп қаватли уйларни қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминлаш режаси 5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу режанинг бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик **қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б. И. Зокиров** ҳамда **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари** зиммасига юклатилсин.

**18.** 2023 йил 1 майдан бошлаб фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли уйлар томлари бўш қисмининг камида 50 фоизида қуёш панелларини ўрнатиш талаби жорий қилинсин.

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги** (Б. Зокиров):

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари** билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда **кўп қаватли уйларда қуёш панелларини ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш компаниялари ташкил қилинишини таъминласин;**

**Энергетика вазирлиги** (Ж. Мирзамаҳмудов) ва **Божхона қўмитаси** (А. Мавлонов) билан биргаликда **бир ой муддатда** республика ҳудудларидаги **қуёш панелларини ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш компаниялари** мутахассисларида зарур кўникмаларни шакллантирган ва техник маълумотлар етказган ҳолда уларнинг малакасини оширсин.

**19. Божхона қўмитаси** (А. Мавлонов):

а) Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** қайта тикланувчи энергия манбалари асосида энергия таъминотини ташкил этиш учун асбоб-ускуналар, техника, хомашё, бутловчи ва уларнинг эҳтиёт қисмлари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларини қабул қилиш;

белгиланган стандарт талабларига мос келмайдиган қуёш панеллари республика ҳудудига олиб кирилишининг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрсин;

б) фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли уйларга қуёш панелларининг сифатли ўрнатилишини доимий назоратга олсин;

в) **бир ҳафта муддатда** қуёш панелларини импорт қилишни соддалаштириш бўйича чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

г) мазкур қарорнинг 18-бандида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

д) амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳамда фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли уйларда қуёш панелларини ўрнатиш ишларини жадаллаштириш юзасидан **ҳар чоракда** Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот киритиб борсин.

**20.** Республика ҳудудларида **кичик ва микро гидроэлектрстанциялар** барпо этиш бўйича 103 та лойиҳанинг манзилли рўйхати **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ишга туширишни таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик **"Ўзбекгидроэнерго" АЖ бошқарув раиси А. А. Сангинов** ҳамда **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари** зиммасига юклатилсин.

**21.** 2023 йилда **5 407 та ижтимоий соҳа объектларининг локал иситиш тизимларини кўмир ёқилғисига** ўтказиш режаси **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур режа ижросини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик **Бош вазир ўринбосари А. Ж. Раматов, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б. И. Закиров** ҳамда **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари** зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамаси** (А. Раматов) **уч кун** муддатда мазкур қарорга 7-иловадаги режа кўрсаткичлари бажарилишининг ойма-ой графигини тасдиқласин ва ижроси юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борсин.

**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** (Ш. Кудбиев) **икки ҳафта муддатда** ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**22.** 2023 йилда **1 147 та иссиқхоналар ва 250 та қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўмир ёқилғисига ўтказиш** режа кўрсаткичлари ва манзилли рўйхатлари мос равишда **8-, 8а-, 8б-, 8в-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, республика ҳудудларидаги:

иссиқхоналарни кўмир ёқилғисига ўтказиш бўйича шахсий жавобгарлик **қишлоқ хўжалиги вазири А. Б. Воитов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари** зиммасига юклатилади;

мазкур қарорга 8а-, 8б- ва 8в-иловаларга мувофиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўмир ёқилғисига ўтказиш бўйича шахсий жавобгарлик **қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш. С. Хидоятов, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ бошқарув раиси С. С. Аннакличев** ҳамда **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари** зиммасига юклатилади.

**23.** Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича **Ҳукумат комиссияси (Ж. Ходжаев):**

тижорат банклари билан биргаликда кўмир ёқилғисига ўтказиладиган корхоналарга ускуналарни харид қилиш учун кредит маблағлари ўз вақтида ажратилишини таъминласин;

кўмир ёқилғисига ўтказилган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишда кафолатланган рағбатлантириш чораларини кўриб борсин;

кўмир ёқилғисига ўтказилган корхоналарда импорт кўмир маҳсулотлари ҳамда тегишли ускуналарни олиб келишда юзага келадиган муаммоли масалаларни зудлик билан ҳал қилиб борсин;

маҳаллий иссиқхона хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларнинг асосий экспорт бозорларида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида уларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширсин.

**24.** Энергетика вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг "Ўзбеккўмир" АЖга қарашли "Кўмир таъминот" МЧЖни, тасарруфидаги кўмир омборлари ва ёрдамчи техникалар билан бирга "Ўзбеккўмир" АЖ тасарруфидан чиқариб, Энергетика вазирлиги бўйсунувига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Энергетика вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорга 8-, 8а-, 8б- ва 8в-иловаларда белгиланган тадбиркорлик субъектлари учун зарур миқдорда импорт кўмир етказиб берилишини таъминласин.

**Транспорт вазирлиги** (И. Маҳкамов) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб импорт кўмирни республика ҳудудида темир йўл транспортида ташишда ташиш масофасидан қатъи назар ўрнатилган тарифларга 50 фоиз чегирма қўлланилишини таъминласин.

**25. Белгилансинки, 2023 йил 1 майдан бошлаб:**

янги ташкил этиладиган иссиқхона хўжаликлари ҳамда цемент, ғишт ва оҳак маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга табиий газ тармоқларига уланиш учун техник шартлар берилиши тақиқланади;

республикадаги **барча ёқилғи** (автобензин, суюлтирилган ва сиқилган газ) қуйиш шохобчаларининг маиший-техник эҳтиёжлари ва ҳудудини ёритиш учун электр энергияси таъминотининг **камида 50 фоизи ушбу объектларда ўрнатиладиган қуёш панеллари** орқали қопланиши талаб этилади.

**26. Қуйидагилар:**

2023 йилда республика ҳудудларида **электр тармоқларидаги йўқотишларни камайтириш** бўйича режа кўрсаткичлари **9-иловага** мувофиқ тасдиқлансин ҳамда ушбу кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик **Бош прокурор Н. Т. Йўлдошев, энергетика вазири Ж. Т. Мирзамаҳмудов** ҳамда **"Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ бошқарув раиси У. М. Мустафоев** зиммасига юклатилсин;

2023 йилда республикадаги **йирик саноат корхоналарида ёқилғи-энергия ресурсларини тежаш**нинг режа кўрсаткичлари ва амалий чора-тадбирлар режаси **10- ва 10а-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин ҳамда ушбу кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик **Бош вазир ўринбосари Ж. А. Ходжаев, энергетика вазирининг биринчи ўринбосари А. И. Ахмедхаджаев, тоғ-кон саноати ва геология вазири Б. Ф. Исламов, инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н. Қ. Холмуродов** ҳамда 10-иловага мувофиқ раҳбарлар зиммасига юклатилсин.

**27.** Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) **икки ҳафта муддатда 11-иловага** мувофиқ 2023 йилда **давлат-хусусий шериклик асосида кўмир когенерацион технологияларини жорий этиш орқали марказлашган иссиқлик энергияси** билан таъминлаш бўйича **15 та** лойиҳанинг манзилли рўйхати, уларни молиялаштириш манбалари ва амалга ошириш муддатларининг ойма-ой графикларини тасдиқласин.

**28.** Энергетика вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ҳамда зарур низом, тартиб ва қоидалар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**29.** Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов):

мазкур қарорга иловаларда белгиланган режа кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида **бир ҳафта муддатда** барча иловалар бўйича тармоқ жадваллари ва манзилли чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин;

белгиланган режа кўрсаткичлари ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатиб, **ҳар ой** ижроси юзасидан барча ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисларида танқидий кўриб борсин;

ушбу қарор ижроси доирасида заруриятдан келиб чиқиб, лойиҳалар параметрлари, чора-тадбирлар ва режа кўрсаткичларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда аниқлаштириш ва ўзгартиришлар киритиб борсин.

**30.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2023 йил 16 февраль



# Назорат тадбирлари сифатли қурилиш кафолатидир

**Жавлон ЧИНИКУЛОВ,** Навоий вилояти Қурилиш ва коммунал соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош инспектори.

**Қурилиш соҳасида сифат бирламчи масала бўлиши шарт, аслида. Чунки бугун барпо этилаётган иморатлар эртага кимнингдир ватани бўлиши тайин. Бино-иншоотларнинг сифатли барпо этилишида Қурилиш ва коммунал соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимларининг ҳам ҳиссаси катта. Чунки бугунги ўтказилган назорат тадбири, келгусида иморатнинг мустаҳкамлиги учун хизмат қилиши бор гап.**

Шу боис, Навоий вилояти Қурилиш ва коммунал соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси инспекторлари томонидан ҳудудда барпо этилаётган ҳар бир объектда доимий равишда мониторинг ишлари олиб борилади. Йил бошидан буён ўрганилган объектларда аниқланган камчиликлар бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар бериб келяпмиз.

Хусусан, Қизилтепа туманида буюртмачи "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ томонидан "Тўдакўл" дам олиш ҳудудида халқаро шахмат мактаби қурилишида навбатдаги назорат ишлари олиб борилди. Ушбу назорат тадбири давомида темир-бетон конструкцияларида қуйма бетонлар армокаркаслари лойиҳа талабидан четланганлик ҳолати, армокаркаслар бир-бири билан боғланиши лойиҳа талаби асосида бажарилишида айрим жойларда лойиҳа талабидан четга чиқилгани каби камчиликлар маълум бўлди.

Ушбу камчиликлар юзасидан буюртмачи ва пудрат ташкилотлари вакилларига тушунтирилиб, келгусида қурилиш объектига тегишли ижро ҳужжатлари "Қурилишда давлат назорати" электрон тизими орқали юритиб борилиши бўйича кўрсатмалар берилди. "Қурилишда давлат назорати" электрон тизими орқали бажарилиши мажбурий бўлган буюртмачи ҳамда лойиҳа ташкилотларига инспекция ходимлари томонидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, Навоий шаҳридаги Алишер Навоий кўчасида "Kelajak Invest Texnologiya" МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой биносида инспекция Қурилиш-синов лабораторияси мутахассислари томонидан белгиланган тартибда синов ишлари амалга оширилди. "Қурилишда давлат назорати" тизими орқали объектда қурилиш иштирокчилари доимий белгиланган муддатларда назоратдан ўтказилиши таъкидланди. Шунингдек, объектлар қуйма бетонларининг (монолит) 80 фоизи мустаҳкамликка эришилгунга қадар юк қўймаслик ҳамда тасдиқланган лойиҳа смета ҳужжатлари талабига риоя этилиши юзасидан буюртмачи ва пудрат ташкилотларига кўрсатмалар берилди.

Инспекторлар томонидан Хатирчи туманининг Мирзо Улуғбек номли МФЙдаги ичимлик суви билан таъминлаш объектида ҳам навбатдаги мониторинг ишлари олиб борилди. Объектга келтирилган политилен қувурлар маркеровкаларсиз ҳамда сифатини



тасдиқловчи мувофиқлик сертификатларисиз экани аниқланди. Шу сабабли, бажарилган ишлар инспекция ходимлари томонидан демонтаж қилдирилди. Электрон тизим орқали масъулларга ёзма кўрсатма берилиб, буюртмачининг техник назоратчисига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддаси 1-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирилди.

Назорат тадбирлари Навоий шаҳридаги "Ёшлик" МФЙ 17-"А" ҳудудида "THE ALFA GRAND BUILDINGS" МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой комплексларида ҳам ўтказилди. Ушбу объектда қурилиш хавфсизлик техникаси ҚМҚ 3.01.02-00 талабларига амал қилинмасдан бинони ташқи томони вақтинча тўсиқ панжаралар билан ўралмагани маълум бўлди. Шунингдек, қурилиш конструкциялари ва иншоотларини коррозиядан ҳимоялаш ҚМҚ 3.04.02-97 талабига амал қилинмаган ҳолда объектга келтирилган арматуралар очиқ осмон остида сақланмоқда. Ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларида энергия самарадорлиги, муқобил энергия технологиялари ва энергия тежамкорлик чора-тадбирлари кўзда тутилмаган.

Ушбу камчиликлар юзасидан ҳамда "Қурилишда давлат назорати" электрон тизими орқали масъул шахсларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилди.

Вилоят Қурилиш ва коммунал соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан Хатирчи туманининг "Лангар" МФЙ ҳудудида қурилаётган "Дам олиш ва туризм" биносининг масъуллари билан энергия самарадорлиги, муқобил энергия технологиялари ҳамда энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш юзасидан лойиҳа ҳужжатларига қўшимча ишчи лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза органидан ўтказилиши ўрганилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан

Инспекция ходимлари томонидан Кармана туманининг "Наврўз" МФЙ ҳудудида барпо этилаётган маҳалла биноси объектида ўтказилган мониторинг натижасида ҳам бир қатор камчиликлар аниқланди. Хусусан, объектга қабул қилинган 12 дона темир-бетон плиталар ишлаб чиқарувчи томонидан тамғаланмаган ҳамда сифатини тасдиқловчи мувофиқлик сертификатлари мавжуд эмас. Ишлаб чиқарувчи томонидан стандарт талабларини қўпол равишда бузган ҳолда темир-бетон плиталарнинг сейсмик белбоғига маҳкамланадиган элементлари A-III классда бўлиши лозим, амалда эса A-I классдаги арматуралардан бажарилган.

Мазкур ҳолат бўйича қурилиш-пудрат ташкилоти масъулига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддаси тегишли қисми билан маъмурий чора кўрилди. Стандарт талабларига жавоб бермайдиган 12 дона темир-бетон плитаси объектдан чиқартирилди.

Назорат тадбирлари давом этмоқда.

# Янги уйларда яшаш ХАВФЛИМИ?



**Райҳона ХЎЖАЕВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Дунё аҳлини ларзага солган, миллионлаб инсонларни кўча-кўйда дарбадар қилган, юзлаб фарзандларни етим қолишига сабаб бўлган, ота-оналарни эса ёш гўдакларини совуқ танасини қучишга мажбур қилган ўша машъум воқеа – Туркиядаги зилзилага ҳам бир ҳафтадан ошди. Аммо ўша кунги ҳодисанинг оғриқлари ҳамон давом этмоқда. Ҳамон вайроналар остидан ҳар сонияда мурғак гўдакларнинг жонсиз таналари топилмоқда. Ҳамон Аллоҳнинг қудрати ила шу пайтга қадар тирик қолган инсонлар қутқариб олинмоқда...**

Укасининг бошини қўли билан ҳимоя қилиб, қутқарувчиларга табассум улашиб турган меҳрибон қизалоқ...

Вафот этган қизининг қўлини қўйиб юбормасдан ушлаб турган ота...

Онасининг бағрида омон қолган 6 ойлик чақалоқ...

Бу тасвирларнинг ўзиёқ зилзила даҳшати қай даражада эканлигидан нишона. Қалбида заррача меҳр бор инсон бу суратларга шунчаки бефарқ қарай олмаса керак. Ёхуд бетон девор бўлакларини остидан фарзандларини қидираётган, минг бир илинж билан уларнинг исмини айтиб чақираётган отанинг қалбида нималар кечаётганини ҳис қилиш учун албатта, унинг ўрнида бўлиб қолиш шарт эмас...

Зилзила оқибатлари ва қурбонлар сони қанчалигини ҳар биримиз кузатиб, кўриб турибмиз. Қардош турк халқига қўлдан келганича ёрдам бераётган юртдошларимиз билан фахрлансак, арзийди. Ахир, бундай бахтсиз ҳодисалар ҳар ерда содир бўлиши мумкин. Туркиядек қурилиш индустрияси ривожланган давлатдаги кўп қаватли уйларнинг тутдек тўкилаётганини ижтимоий тармоқлардаги видеолар орқали барчамиз кўрдик. Шу боис, бизда ҳам кўпчилик хавотирга тушиб қолди. Айниқса, янги қурилган уйларда яшаётган аҳолини бир савол қийнаяпти: "Янги уйларда яшаш хавфлими?".

Ҳақиқатан ҳам, юртдошларимизнинг хавотири қанчалик ўринли? Бизда қурилаётган кўп қаватли турар жой бинолари, аниқроғи, янги уйлар зилзилага қай даражада бардошли?

Ўтган ҳафта АОКАда ўтказилган брифингда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Саидносир Усмонов юртимиздаги уйларнинг зилзилага қай даражада бардошлилиги, бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берган эди. Қолаверса, соҳа мутахассислари ҳам фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Тан олиш керак, бугун қурилиш соҳаси кимлар учундир катта бизнесга айланиб улгургани рост. Қурилаётган биноларнинг сифати, лойиҳасининг мукаммаллиги-ю ишлатиладиган материалларнинг талабга жавоб беришига ҳар доим биринчи даражали масала сифатида қаралмаяпти. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, бугун пули бор одам уй қуриб сотаяпти. Қурилиш соҳасини яхши тушунмасдан, қандай қилиб сифатли ва мустаҳкам уй қуриш мумкин? Қурилиш материалларининг сифатсизлиги, малакали лойиҳачилар ва қурувчиларнинг камлиги, уларнинг ўрнига арзон ишчи кучидан фойдаланилаётгани, уй ичидаги деворларга (перегородкалар)га ўзбошимчалик билан киритилаётган ўзгартиришлар ҳам сифатсиз уйларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Ижтимоий тармоқларда Туркияда қулаган биноларни қурган ширкат раҳбарларига жазо чоралари қўлланилиши ҳақида ўқияпмиз. Шу жумладан, Ҳатайда ҳам минглаб иморатлар қулади. Улардан бири 2019 йилда шов-шувли маросим билан очилган ва хонадонлари 3 миллион лирадан камига сотилмаган "Güçlü Bahçe City" эди. Уни қурган ширкат очилиш маросимида икки метрли қайчи билан ленталарни кесиб, "Гиннеснинг рекордлар китоби"га ҳам кирган эди. Биринчи зилзиладаёқ у қум қўрғондай тўкилиб тушди. Яхши ниятлар билан уй сотиб олган инсонларнинг аксарияти энди йўқ.

Хўш, бу фалокатдан қандай хулоса чиқаришимиз керак? Албатта, табиий офатларнинг олдини олишнинг иложи йўқ, лекин зарур чораларни кўриш орқали зилзила оқибатида юзага келиши мумкин бўлган моддий-маънавий йўқотишлар ва зарарларнинг олдини олиш мумкин-ку! Хавотирли томони, Ўзбекистон ҳам сейсмик фаол ҳудудда жойлашган. Биз бундай офатларга тайёрмизми?

XXI асрда катта шаҳарларда ва аҳоли зич жойлашган ҳудудларда кучли зилзилалар барқарор ривожланишга таҳдид солмоқда. Демографик ўсиш, урбанизация, инфратузилмаларнинг сиқилиши, шунингдек, йирик иншоотлар (ГЭС, саноат объектлари, кўприклар ва кўп қаватли бинолар) мавжудлиги сабабли зилзилалар алоҳида хавф туғдиради. Ўзбекистоннинг 80 фоиз аҳолиси сейсмик фаол ҳудудда яшайди.

Туркияда қурилганига йигирма йилдан ортиқ бўлган бинолар эски ҳисобланади. Зилзилада ҳам айнан 20-40 йиллик бинолар кўпроқ зарар кўрди. Кўп ватандошларимиз ҳозир пала-партиш қурилган уйлардан кўра, илгаридан қолган "Хрушевка"лар анча бақувват деган фикрни айтишмоқда. Тўғри, темир-бетон қоришмали, вақт давомида синалган уйлар анча пишиқ. Тошкент зилзиласидан сўнг ҳам 9 баллга чидамли уйлар қурилганини биламиз. Қолаверса, бизнинг иқлим Туркияники каби нам эмас, қуруқ. Бироқ бино қанчалик мустаҳкам қурилган бўлмасин, қурилиш материаллари эскириши ва ўз вазифаларини муваффақиятли бажара олмаслигини ҳам инобатга олиш керак.

1999 йилда Измитда содир бўлган ва 17 мингдан ортиқ кишини ҳаётдан олиб кетган зилзиладан кейин Туркияда янги биноларнинг зилзилаларга чидамли бўлишини талаб қилувчи янги қурилиш меъёрлари жорий этилганди, аммо бу нормаларга доим ҳам риоя қилинмади. 2011 йилда юзлаб кишилар ҳалок бўлган навбатдаги зилзиладан кейин ўша вақтда бош вазир бўлган Ражаб Тоййиб Эрдўған кўп сонли қурбонлар учун айбни сифатсиз қурилишлар билан боғлаган эди.

"Бу бизнинг шаҳарларимиз, хусусан Истанбул қабристонга, уйларимиз тобутга айланишини англатади. Мутлақо лицензияси йўқ бўлган бинолар ёки дастлабки режага зид ўлароқ кўпроқ қаватли қилиб қурилган бинолар – уларнинг барчасига амнистия берилмоқда. Бу жуда хавфли", деган эди 2019 йилда Қурилиш муҳандислари миллий палатасининг ўша пайтдаги раҳбари Жемал Гўкче.

Лондон Университети коллежининг фавқулодда вазиятларни режалаштириш ва бошқариш бўйича мутахассиси, профессор Дэвид Александер BBC учун берган интервьюсида зилзила кучли бўлса ҳам, сифатли қурилган бинолар қулаб тушмаслиги кераклигини айтган. "Кўп жойларда силкиниш кучи максимал даражадагидан камроқ бўлган, шунинг учун биз хулоса чиқаришимиз мумкинки, қулаган минглаб биноларнинг деярли барчаси зилзила рўй берган тақдирда дош бериш учун зарур бўлган қурилиш меъёрлари бўйича қурилмаган", дейди у.

Мутахассисларнинг фикрича, Туркия сейсмик зонада жойлашгани боис мазкур мамлакатда тез-тез зилзилалар юз беради. Москва давлат университети физика кафедраси доценти, сейсмолог Анна Люсинанинг таъкидлашича, Туркиянинг жануби-шарқидаги кучли зилзила ер қобиғининг ёриғи ҳудудида кучланиш меъёрдан ошиб кетгани оқибатида юз берди. У Туркия географик жиҳатдан Шимолий Анадолу ёриқларида жойлашганини тушунтирди. Унинг сўзларига кўра, бу сейсмик хавфли зона, унда кичик зилзилалар мунтазам равишда, катта зилзилалар эса ҳар уч, ўн йилда бир марта содир бўлади.

"Бу ер сейсмик хавфли зона бўлгани учун ер қобиғи фаоллик ҳолатида, у ерда кучланиш ортади. Тоғ жинсларининг чўзилиш кучи ошиб кетади ва энергия сейсмик тўлқинлар кўринишида ажралиб чиқади", деб таъкидлади мутахассис. Унинг сўзларига кўра, бундай ҳолларда зилзилаларнинг кучи Ер қобиғида қанча энергия тўпланиб қолганига боғлиқ. Ер юзида қайд этилган зилзилаларнинг аксарияти тектоник плиталарнинг силжиши оқибатида юзага келган. Ер силкинишларининг 95 фоизини ана шундай зилзилалар ташкил этади. Уларнинг кучи баъзан 9 магнитудага етади. Бунда ер ости плиталари бир-бирига урилиб кетади ёки улардан бири иккинчисининг остига тушиб қолади. Бундай қўзғалиш у қадар катта бўлмай, бор-йўғи бир неча сантиметрни ташкил этади. Бироқ шунинг ўзи ҳам ер остида катта энергия ажралиб чиқиши учун етарлидир. Натижада ер устки қатламида йирик ёриқлар пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, кўплаб вайроналарга сабаб бўлади.

Техноген омиллар, яъни инсоният фаолияти ҳам зилзилалар келиб чиқишига сабаб бўлади. Олимлар сув омборлари жойлашган ҳудудларда кўплаб ер силкинишларини қайд этган. Бу – сув омборларида йиғилган сувнинг ер қатламига таъсир ўтказиши, тупроқ таркибига сингиб, уни издан чиқариши билан боғлиқ. Бундан ташқари, сейсмик фаоллик нефть ва газ қазиб чиқариладиган конларда ҳам кўп қайд этилади. АҚШнинг Аризона штатидаги Лейк-Мид сув омборининг сув билан тўлдирилганидан сўнг содир бўлган зилзила – инсоният фаолияти ва унинг табиатга таъсири туфайли юзага келган илк ер силкинишларидандир.

Шундан сўнг, мазкур ҳудудда ўн йил ичида 5 магнитудали қарийб 600 марта ер қимирлаши қайд этилган. Бундан аввал бу ҳудудда зилзилалар деярли кузатилмаган эди. Яна бир мисол, 1967 йилда Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрида Койна сув омбори тўлдирилганидан кейин қатор зилзилалар содир бўлган. Улардан бирининг кучи 6,5 магнитудани ташкил этган, оқибатда бир неча бино вайронага айланган, одамлар ҳалок бўлган.

Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деган нақл бежизга айтилмаган. Туркиядаги зилзила оқибатлари нафақат бутун дунё, балки ҳар биримиз учун бир сабоқ бўлиши лозим. Ҳозир ким айбдор эканлигини аниқлагандан кўра, келгусида мустаҳкам, зилзилабардош биноларни ҳақиқий қурувчилар томонидан қурилишини таъминлаш ҳақида ўйлашимиз керак. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солиш, билимли, малакали ва албатта, виждонли мутахассислар фаолиятини тизимли равишда йўлга қўйиш, бинолар зилзилабардошлиги бўйича мутахассислар малакасини ошириш зарур.

Уч ойча олдин лойиҳа ташкилотларидан бирига мақола ёзиш учун бордим. "ToshuyjoyLITI" АЖнинг зилзилага чидамли қурилишлар бўлими бошлиғи Шамил Ҳакимов билан суҳбат мобайнида шунга амин бўлдимки, юртимизда бу соҳадаги мутахассислар кўп эмас. Шаҳар ва аҳоли пунктларининг зилзилага чидамли қурилиш назарияси ва амалиёти ҳамда сейсмик хавфини баҳолаш бўйича юқори савияли бу мутахассис 85 ёшда эканини ҳисобга олсак, келгусида юртимизда ушбу йўналишдаги малакали кадрларга эҳтиёж катталигини сезиш қийин эмас. Ўша суҳбат жараёнида Шамил Ҳакимов бу масала бўйича яхши таклифни айтиб қолди. У киши бир неча йилдан буён бу йўналишда махсус ўқув курси ташкил қилиш ташаббуси билан чиқаётган экан. Бу борада лойиҳа буйруқлари ва махсус дастурлар ҳам тайёрланган. Аммо ҳалигача мутахассиснинг бу мурожаати эътиборсиз қолмоқда. Агар бу лойиҳа амалга ошса, соҳада катта ютуққа эришган бўлар эдик. Бугун қурилиш ташкилотларида малакали қурувчиларнинг ўзи кўп эмас. Зилзилабардошлик бўйича мутахассисларни-ку, айтмасак ҳам бўлади. Шу боис, Шамил Ҳакимов сингари мутахассисларнинг тажрибасидан унумли фойдаланишга ҳали ҳам кеч эмас.

Бундан ташқари, соҳада малакали қурувчиларни кўпайтириш керак. Бунинг учун уларга яхши маош тўлаб, чет давлатларга кетиб қолмаслигини олдини олиш зарур. Фақат институт билан чекланиб қолмасдан, улар учун махсус малака ошириш курслари, ўқув машғулотлари ташкил қилиш, маълум бир муддатда уларни қайта тайёрловдан ўтказиш ҳам яхши самара беради.

Ана шунда балки биз ҳам янги уйларда бехавотир яшармидик?


## Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намеревается направить часть вырученных средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на выполнение проектно-изыскательных работ, разработки рабочего проекта и авторского надзора по следующим объектам:**

| Номер пакета | Наименование объекта | Расчетная стоимость услуг |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-CS-69 | Реконструкция водоснабжения кишлаков Жалоир, Урта, Кутчи и Болгали в МСГ "Чорвадор", а также кишлака Туркман МСГ "Туркман" Зааминского района Джизакской области. | 99 000 000 сум без НДС |

**Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при Джизакском областном хокимияте (далее именуемый "Заказчик")**

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые (однопакетные) предложения по выполнению проектно-изыскательных работ, разработки рабочего проекта и авторского надзора по вышеназванным объектам.

Более подробная информация об услугах приведена в Техническом задании.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию и тендерную документацию в Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по Джизакской области до 3 марта 2023 г.

**Предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по следующему адресу:** Джизакская обл., г. Джизак, ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж) не позднее 16.00 3 марта 2023 г.

**Подача предложений:**

а) заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации;

б) крайний срок подачи заявок – 03.03.2023 г., 16.00;

с) **адрес для подачи заявок:** Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве, Джизакская обл., г. Джизак, ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж).

**Тел.:** 72-771-64-32.

**Факс:** 72-771-64-31.

**E-mail:** jiztender@mail.ru

**Ответственный представитель консалтингового центра:** Шухрат Уралов.

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени.

Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается участнику торгов нераспечатанным.



## "BANYAN" МЧЖ

**бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**2023 йил 6 март куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига "Toshkent viloyati Dori-darmon" акциядорлик жамиятининг 2023 йил 13 февралдаги 69/01-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:**

1. Икки қаватли ертўлали 28-сонли дорихона биносининг 2-қаватидаги хоналар тўлиқ, яъни **жами фойдали майдони** – 370,42 квадрат метр ҳамда биринчи қаватнинг бир қисми, яъни **жами фойдали майдони** – 40,31 квадрат метр, омборхона (0003) биносининг бир қисми – 73,26 квадрат метр, ҳожатхона (0004) – 19,98 квадрат метрдан иборат бўлган бино- иншоотлари. **Бошланғич баҳоси** – 1 000 300 000 сўм.

2. Икки қаватли ертўлали 28-сонли дорихона биносининг умумий 1720,76 квадрат метр ер майдонида жойлашган икки қаватли ертўлали бинонинг 1-қават бир қисми ва ертўла, **жами фойдали майдони** – 691,28 квадрат метр, соябон (0002) – 22,72 квадрат метр, омборхона (0003) бир қисми – 80,66 квадрат метр, соябон (0005) – 45,88 квадрат метрдан иборат бўлган бино-иншоотлари. **Бошланғич баҳоси** – 2 499 700 000 сўм.

Кўчмас мулкларнинг бошланғич баҳоси ҚҚСни инобатга олган ҳолда белгиланган.

1-Лотга қарашли омборхона ва ҳожатхонага кириш ва чиқиш йўли 2-Лотга қарашли 1720,76 квадрат метр ер майдони ҳудудидан белгиланади.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2023 йил 6 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 23 март, 7, 24 апрель, 10, 25 май, 9, 26 июнь, 11, 26 июль ҳамда 10,25 август кунлари бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин.

**Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишув шартномасига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини тўланганини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдода иштирок этувчи талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига аукцион савдо натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 банк куни ичида савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига мулк сотув қийматидан 3 фоизи миқдорида пул маблағи тўлаб бериш ва 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

**Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар:** "BANYAN" МЧЖ, 2020 8000 3007 5716 6001 AT "Xalq bank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими МФО 01125 СТИР 304 802 952.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй.

**Савдо ўтказиладиган манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 1-"А" уй.

**Телефон:** 71-207-25-53.

*RR – 0298-сонли лицензия.*



# ОТАСИНИНГ ИЗИДАН БОРГАН ҚУРУВЧИ

**Ислом ИБОДУЛЛА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Яқинда пойтахтдаги қурилиши давом этаётган объектлардан бирига бордим. Қурилиш ҳудудига кираверишда лой кечиб, салқин ҳавода турган кишига дуч келдим. Бирон хизматчи эканини тусмол қилдим.**

**– Кечирасиз, газетаданман, – дедим у билан қўл олишиб. – Суҳбат учун бирор қурувчини чақириб бера оласизми? Мақола тайёрлаймиз.**

**– Мана, мен-да, ака, қурувчи, – деди у мийиғида кулиб. – Шу қурилиш ҳудудининг бошлиғиман...**

### БУ КАСБНИНГ НОНИ ТОШДАНМИ?

Қурувчи ким ўзи? Кўз ўнгингизда махсус бош кийим кийган, қўлига бир сидра лойиҳа қоғозларини тутган шахс гавдаланади. Аслида-чи? Албатта, ёшлигимиздан кўриб одатланганимиз эгнига пўрим уст-бош илган қурувчи тасвирининг ортида қандай заҳматлар борлигини фақат унинг ўзигина билади. Шавкат Омонов ҳам узоқ йиллар давомида қурилиш соҳасида тобланган, касб-кор, ўрганиш дардида хорижий давлатларда малакасини оширган уста қурувчилардан. У бугун пойтахтимиздаги йирик турар жой қурилишларининг бирида қурилиш ҳудуди бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. Касб тарихи ҳақида унинг ўзи шундай гап қўшади:

– 2004 – 2008 йилларда Бухоро муҳандислик-технология институтида таҳсил олганман. Ўқиш даврида қурилиш соҳасини жиддий ўрганишга иштиёқим баланд бўлди. Бу ҳолат келажакда ўз касбимни севишга, етук кадр бўлиб, йирик иншоотлар қуришга ундади. Олий таълимни тугатгач, дастлабки меҳнат фаолиятимни Бухоро шаҳридаги “БГПС” АЖ корхонасида бошлаганман. У ерда 2012 йилгача ишлаб, касбий кўникмаларимни чиниқтириш мақсадида хорижий давлатларга малака оширишга жўнадим. Дастлаб, 2012 – 2013 йилларда Россия Федерациясида қурилиш жараёнларини ўргандим. Кейинчалик, 2013 – 2019 йилларда Қозоғистоннинг Астана шаҳрида иссиқлик электр станцияларининг қурилиши бўйича назарий ва амалий билимларимни синовдан ўтказиб, муҳандислик даражасида бир қанча сертификатларга эга бўлдим.

Ўзининг салоҳиятини тўлиқ намоён этган Шавкат акани малака ошириш асносида Астанада ишга олиб қолишади. Бу у киши учун алоҳида мактаб бўлди. Ҳозирга келиб мавжуд ўрганишлар Шавкат аканинг тажрибасида ўзини намоён этмоқда. 2019 йилдан бери Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган уста муҳандис “BM group” қурилиш корхонасининг етакчи қурувчиларидан бири сифатида юртимиздаги йирик турар жой қурилиш объектларига бош бўлмоқда.

### ҲАР ДОИМ ОТАМДАН МАДАД ОЛАМАН...

Халқимиз тилидаги “отасининг ўғли” иборасининг моҳияти кенг. Қайсидир маънода Шавкат ака ҳам шундай фарзандлардан бири. Кўп кузатамиз, кимлардир оилавий ўқитувчи, оилавий шифокор. Эътиборлиси, Шавкат аканинг оиласи ҳам шундай сулолалардан – қурувчилар оиласи. Уста муҳандис-қурувчининг отаси ҳам бевосита қурилиш соҳасининг тузини татиган кишилардан. У ҳам узоқ йиллар давомида Бухоро вилоятининг қурилиш-бунёдкорлик жараёнларида жонбозлик кўрсатган.

– Қурувчининг ҳаётида кўпдан-кўп воқеалар бўлиб туради, – деди Шавкат Омонов. – Иш билан боғлиқ ҳолатларда доим ўзимни тутишга ҳаракат қиламан. Бунда ўзим учун қоидалар тузиб олганман. Баъзан иш жараёнида ишчилар билан тортишиб қоламиз. Шундай пайтларда ўша қоидаларимни эслайман. Иш пайтида раҳбарман, ишдан кейин кўча-кўйда дўст-ўртоқман. Балки шунинг учун ҳам ҳозиргача бирорта ишчи-ходим билан орамизга совуқчилик тушмаган. Қурилиш жараёнларида асосан, отамдан маслаҳат оламан. У киши узоқ йиллик тажрибага эга қурувчилардан. Кам-кўстимни тўлдиришда унинг алоҳида ҳиссаси бор. Қизиғи, авлодимизда қурувчилар сафи кенгаймоқда. Ўғилларим ҳам ёш бўлишига қарамасдан, қурилиш жараёнининг мухлиси.

Албатта, бу борада Шавкат аканинг ўзига хос касбий ва ҳаётий қарашлари бор. Шу қарашлар сабаб уни таниган-билган ҳурмат қилади. Уч фарзанднинг отаси. Фарзандлар ҳам оилавий анъанани давом эттириш умидида ҳозирдан отасининг касбига ўзгача меҳр қўйган. Ҳавасманд бўлади киши. Бу ҳам бир узоқ йиллик миришкорликнинг, касбга садоқатнинг намунаси.

### ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС ТУРАР ЖОЙ МАЖМУАСИ

Қурувчи – ҳаммамизга менгзар бир инсон, жимитдек жон. Четдан разм солсангиз, улкан биноларнинг қаршисида ожиздек кўринади. Аммо у ўзида яратувчиликнинг энг нозик жиҳатларини сингдирган. Шавкат ака ҳам ҳозирда Янгиҳаёт туманидаги янги турар жой мажмуасининг қурилишида ўзининг кўп йиллик иш тажрибаси ва салоҳиятини намоён этиб, реконструкция жараёнларини ўз вақтида олиб борилишига ҳисса қўшмоқда.

– Шу кеча-кундузда турар жой массивида учта 16 ва учта 12 қаватли турар жой мажмуасини қуряпмиз, – деди қаҳрамонимиз. – Ушбу мажмуани жорий йилнинг тўртинчи чорагида тўлиқ битказиб, фойдаланишга топширишни режа қилганмиз. Бу жараёнда 250 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Қурилишда энг замонавий ва юқори сифат даражасига эга материаллардан фойдаланяпмиз. Хусусан, ҳозирги кунда турар жой мажмуасида монолит бетон ишлари давом этяпти. Иншоотни тиклашда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тегишли чидамли газоблок, цемент ва металл маҳсулотларидан фойдаланяпмиз. Қарийб ўн минг квадрат метр ҳудудни қамраган қурилиш объектимиз 87 квадрат метргача бўлган 1 ва 3 хонали 950 та хонадондан иборат бўлади. Мажмуа ҳудудида автотураргоҳ, чиқинди ташлаш ҳудудлари ва болалар ўйингоҳлари барпо этилади. Жумладан, барча янги типдаги қурилиш жараёнларида энергия тежамкор маҳсулот – базальт плиталари кенг қўлланилмоқда. Чунки жорий йилдан эътиборан, ҳудудлардаги эски кўп қаватли



уйларнинг юза қисмларига базальт плиталарининг қопланиши, амалда ушбу материалнинг уй ҳароратини сақлашда анчайин қўл келаётганидан далолатдир. Бизнинг биноларимиз ҳам анъанага кўра, энг юқори қаватгача мазкур қурилиш материали билан ўраб олинади.

Ушбу турар жой қурилиши 2022 йилнинг иккинчи чорагида бошланиб, қазиш ва бетонлаш ишлари ўша йилнинг август ойларида тугатилди. Шундан сўнг, конструкциянинг асосий қисмига ўтилди. Ҳозирда иншоот қурилишида бир нечта 50 тонналик автокранлар, трактор, самосваль ва бетонлаш ишларини олиб бориш учун зарурий техник ускуналардан кенг фойдаланилмоқда. Якунда 16 қаватли бино учун 2 та, 12 қаватли иншоот учун 3 та замонавий лифтлар ўрнатилади. Тез орада ушбу турар жой мажмуаси уй-жойга эҳтиёжманд аҳоли учун фойдаланишга топширилади.

### БУНЁДКОРЛАРИМИЗНИНГ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қурилиш соҳасининг жадал тараққий этиши қурилиш соҳаси ходимлари учун улкан майдон ҳозирлади. Бугун бир қанча реконструкция жараёнларида маҳаллий қурувчиларимиз хорижлик ҳамкасблари билан бамаслаҳат, ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, “BM group” корхонасининг Янгиҳаёт тумани Чоштепа массивида иншо этилаётган кўп қаватли турар жой мажмуасида туркиялик қурувчилар ҳам иштирок этиб, қурилишда газобетон блокларидан фойдаланиш ва турар жойнинг сифатини таъминлашда корхона ходимларига кўмакчи бўлмоқда. Бу вазият қайсидир маънода миллий қурилиш саноатининг бугунги даражасини белгилаш учун имкон бўлди.

– Авваллари Ўзбекистон шароитида йирик қурилишлар кам кузатилар эди, – деди Шавкат Омонов. – Қурувчиларимизнинг ҳам салоҳияти шунга монанд ривожланиб, кўп соҳаларда хорижий тажрибадан, архитектура ютуқларидан четда қолаётган эдик. Охирги йиллардаги бинокорликка қаратилган катта эътибор натижасида айни пайтдаги миллий қурилиш соҳамизда кадрлар сифати бир қадар ўсди. Айта оламанки, бизнинг қурувчилар бугунга келиб, хорижий давлатлардаги ҳамкасблари билан беллаша оладиган даражага етди. Бу ҳам амалда ўзбек архитектураси учун бир ютуқ. Бу жараённи узлуксизлигини таъминлаш учун олий ўқув юртларида таҳсил олаётган бўлажак муҳандисларга амалий машғулотларни кўпайтириш лозим.

Ўйлаб қарасак, бугун кўзимиз тушган ҳар бир қурилиш объектида Шавкат акага ўхшаган уста қурувчилар кўплаб топилади. Уларнинг-да қизиқарли ҳикоялари, машаққатли касб йўллари бор. Улар сабаб хавфсиз ва шинам уйларда яшаймиз. Миллий қурилиш салоҳиятимизнинг ўсиб бориши эса, келажакда юртимизнинг янада гўзалроқ бўлишига сабаб бўлади.

# Мурожаатлар таҳлил қилинганда...

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасига ўтган йилда келиб тушган мурожаатларнинг 76 фоизи ишга кириш ва тиклаш бўйича бўлган. Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда уюшма ахборот хизмати раҳбари Жамшид Шерметов маълум қилди.**

Брифингда таъкидланишича, 2022 йилда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасига жами 98 та жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари келиб тушган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz) орқали 47 та ҳамда бевосита уюшмага 51 та мурожаат йўлланган. Бевосита уюшмага келиб тушган мурожаатлардан 14 таси қаноатлантирилган, 14 тасига тушунтириш берилган. Қолган 23 таси эса тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга ижрога юборилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz) орқали келиб тушган мурожаатлардан 6 таси қаноатлантирилган, 17 тасига тушунтириш берилган ҳамда қолган 18 таси тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган.

– Таҳлиллар натижасида аксарият мурожаатлар уюшма тизимидаги йирик ишлаб чиқарувчи корхоналарга ишга кириш ва ишга қайта тиклаш масаласида келган, – деди Жамшид Шерметов. – Мутахассислиги бўйича ишлаш юзасидан 35 та мурожаат, ижтимоий тўловлар, иш ҳақи, моддий ёрдам, компенсациялар бўйича 6 та мурожаат, раҳбарият қабулига кириш, шикоятлар каби масалалар бўйича 6 та мурожаат қабул қилинган. Ушбу таҳлиллар асосида Уюшма ҳамда тизим ташкилотлари билан биргаликда мурожаатларни тизимли ўрганиш, уларни қонуний ҳал этиш бўйича доимий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, брифингда ижро интизоми масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. 2022 йилда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасига жами 87 та топшириқ юклатилган эди. Берилган топшириқларнинг барчаси ўз муддатларида бажарилди. Хусусан, давлат раҳбари топшириқларининг баённомалари, ҳисобот даврида ҳудудларга ташрифлар якунлари бўйича иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш юзасидан ўтказилган йиғилишларнинг 7 та баённомасида уюшмага белгиланган барча топшириқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ўтказилган йиғилишларнинг 16 та баённомасида белгиланган вазифалар, тегишли қарор ва фармонларда кўрсатилган 64 та топшириқнинг барчаси бажарилган.

Маълумот учун, айни пайтда мамлакатимизда жами 10 мингга яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсатмоқда. “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасига 158 та корхона аъзо ҳисобланади. Қурилиш материаллари соҳасида 2022 йилда жами 30,7 трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, соҳада жами 140 мингдан ортиқ ходим фаолият кўрсатиб келмоқда.

# *Туғилган кунингиз муборак бўлсин!*

## *Февраль ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган*

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи **Фарҳод Ахунов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ахборотларни таҳлил қилиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўлими етакчи мутахассиси **Пўлатжон Солижонов,** ғазначи-хўжалик мудири **Азамат Исломов,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК етакчи мутахассиси **Мурод Ғаниев,**

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Ҳудудий муҳандислик-коммуникациялар бўлими бошлиғи **Жасурхўжа Абдуқодиров,**

“Тошгипрогор” АЖ Фойдаланиш ва техник бўлими АТС муҳандиси **Надир Акчурин,** 2-сонли архитектура ва қурилиш сектори жамоа раҳбари-конструктор **Ирина Чистикина,** Электр таъминоти сектори бош муҳандиси **Бекзод Абдураззоқов,** 2-сонли сектор бош муҳандиси **Темур Жўрақулов,**

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ мухбири **Ислом Ибодуллаев,**

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Фарғона вилояти раиси **Зоҳиджон Қодиров,**

Бухоро вилояти, Жондор тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси бўлими бош мутахассиси **Алижон Толибов,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектор **Улуғбек Кучкаров,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси лаборанти **Бекмурат Сейтимбетов,**

Навоий вилояти, Нурота тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бўлими бошлиғи **Жамолиддин Аматқулов,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд вилояти филиали ходимлар бўйича мутахассис **Чингиз Хўжақулов,** бош мутахассис **Анна Владикина,**

Сирдарё вилояти, Боёвут тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Аброр Носиров,** Гулистон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Холмурод Юлдашов,** бош бошқарма қошидаги АРТ бўлими бошлиғи **Зумрат Хўжамуратова,**

Хоразм вилояти, Гурлан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Алишер Раҳимбоев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри,
Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
**Телефонлар:**
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-237.
1768 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни – 23.00.
Топширилди – 00.15.
1 2 3 4 5 6